

Муаллиф маълумоти: ...

TIL VA ADABIYOT TA'LIMI

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРЛИГИНИНГ
ИЛМИЙ-МЕТОДИК
ЖУРНАЛИ

1991 йилдан
куни бошлаган

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 2006 йил 22 декабрда
0055-рақам билан рўйхатга
олинган

Тахририят манзили:
100047 Тошкент шаҳри,
Амир Темур кўчаси, 13-«А» уй.

☎ Тел./факс: 232-07-26
E-mail: www.til@sarkor.uz
Веб-сайт: www.til.sk.uz

2008/6

Бош муҳаррир:
Раъно ТОЛИПОВА

Бош муҳаррир
ўринбосари:
Қундузхон
ЎСАНБОВЕВА

Масъул котиб:
Шаҳноза ЖЎРАЕВА

Муҳаррирлар:
Ўғилой МАВЛОНОВА
Доно ХЎЖАЕВА

Саҳифаловчи:
Беҳзод ҲАЙДАРОВ

Матн терувчи:
Нодира
МИРЗААҲМЕДОВА

Таҳрир хайъати:
ЙЎЛДОШЕВ Қозоқбой
МУСАЕВ Усмонали
МАДАЕВ Омонулла
МАҲМУДОВ Низомиддин
МИРҲАБИБОВА Наргиза
НОРМАТОВ Умарали
НУРИДДИНОВА Дилдора
ОДИЛОВА Саодат
РАҲМОНОВ Ваҳоб
ТОҶИБОВЕВ Рустам
ТОШМИРЗАЕВА Шарофат

MUNDARIJA

UMUMMILLIY DASTUR — AMALDA

Муҳаббат Абдураимова. Тажиба-синов якунлари	3
---	---

METODIKA

Nilufar Yo'ldosheva. 6-sinfda «Fe'l» mavzusini mustahkamlash	10
Zulayho Qutlimurodova. Ona tili darslarida vatanparvarlik tarbiyasi ...	13
Sabohon Ahmadaliyeva. O'quvchilar bilimini baholash tajribasidan	17

ADABIYOTSHUNOSLIK

Юлдуз Эшматова. Аёл қисматининг бадий талқини	20
Тошмурод Бўриев. «Доробнома» достони муқаддимотлари поэтикаси	24
Байрам Туримбетов. Ҳикояларда таълим ва тарбия масаласи	30

TILSHUNOSLIK

Манзар Абдулхайров. Алишер Навоий асарларидаги янги аниқланган икки маъноли сўзлар талқини	33
Муҳайё Вафоева. Бобур поэзиясида фразеологизмлар	35
Азаматжон Раҳимов. Ўзбек тилида нерегуляр фузия ва уни ўқиш муаммолари	39
Мафтуна Раҳимова. Ўзбек тилининг семиотик масалалари	44

ADABIY TAQVIM

Муҳайё Иноятова. Маърифатпарвар адиб	49
Нурғали Сиздикбоев. Габриэл Гарсиа Маркес ижодида ёлғизлик мотиви	54

BIR G'AZAL TAHLILI

Жунун водийсида	61
-----------------------	----

TIL SABOQLARI

Раъно Толипова. Бошқарув	64
--------------------------------	----

ABITURIENTGA YORDAM

Феруза Мусаева. Кошикийнинг «Футувватномаи султоний» асари хусусида	69
--	----

AMALIY FOYDALANISH UCHUN

Bahru bayt musobaqalari uchun matnlar. Lutfiy	71
Ўзбек тилининг этимологик луғати	74

DAVLAT TILINI O'QITISH MASALALARI


Кундузхон Ҳусанбоева. Навоий асарлари ўзбекни англаш манбаи сифатида	78
---	----

NEGA SHUNDAY DEYMIZ?

Маънолар маҳзани	90
------------------------	----

SO'Z MULKIGA SAYONAT

Зебохон Исоқова. Айрим сўзлар хусусида	93
Сабоҳат Кенжаева. Кимсан исми ҳақида	96



Алишер Навоий асарларидаги янги аниқланган икки маъноли сўзлар талқини

Фазал мулкининг султони Алишер Навоийдан бизга шундай бой мерос қолганки, ушбу хазинани ўрганганимиз сари шоир асарларининг янги-янги маъно қирралари очилаверади. Шундай маъноларни кашф қилиш учун биз шоир асарларининг 20 жилдлик тўпламини «Алишер Навоий асарлари тилининг 4 жилдлик изоҳли луғати» (АНАТИЛ)га қиёслаб чиқдик.

Таҳлилларимиз шуни кўрсатдики, Алишер Навоий асарларидан янги аниқланган, тушунилиши қийин (АНАТИЛда қайд этилмаган)¹ сўзларнинг катта бир қисмини кўп маъноли сўзлар ташкил этар экан. Бундай сўзлар шоир асарлари тилида, асосан, икки ёки ундан ортиқ маъноларни ифодалаб келган.

Ушбу мақолада икки маъноли сўзларнинг талқинлари хусусида тўхталиб ўтмоқчимиз. Масалан: ...Юз оҳу сўз била сувамоқнинг итмоми ва бу фано хирқасини заъфу **ифтиқор** ямоқларин кирпик синук игнасиға ашк узук торин тоқиб, юз дарздўзлик била ямамоқнинг эҳтимоми.² Бу мисолдаги **ифтиқор** сўзи камбағаллик, муҳтожлик, бечоралик маъносида қўлланилган. Мазкур сўз АНАТИЛда эътироф этилмаган. Шунингдек, **ифтиқор** сўзи Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асарида фақирлик, тупроқ мисол ному нишонсиз бўлишлик каби сўфиёна маънода ҳам келган: Ва «Савонех» Фузулидин бири будирким, маъшук барча ҳоли била маъшукдур, бас иштиёно анинг сифатидур. Ва ошиқ барча ҳоли била ошиқдур, бас **ифтиқор** анинг сифатидур.³

Илтиҳоб сўзи шоирнинг «Наводир уш-шабоб» асарида қўлланилиб, ловиллаб ёниш, ўт олиш, алангалик маъносида келган:

Эсиб халқ сари насими висол,
Менга ҳажр ўтидин этиб **илтиҳоб**.⁴

«Сабъаи сайёр»да эса ушбу сўз асабийлашмоқ, қизишмоқ, ғазабланмоқ маъносини ифодалаган:

Тиз селобидин бериб бас кин,
Ки ўти **илтиҳобиға** таскин.⁵

«Бадоеъ ул-васат» асарида **иқтирон** сўзи яқин келиш, йўлиқиш, учрашиш, бир-бирига яқин дўст бўлиш маъносида ишлатилган:

Нафсинга раҳмати ҳақ била **иқтирон**,
Муъжиз отинга сеҳру фусун ифтиро.⁶

Бу сўз шоирнинг «Сабъаи сайёр» ва «Ҳайрат ул-аброр» асарлари тилида ҳам худди шу маънода қўлланилган:

«Ре»лариким зоҳир этиб **иқтирон**,
Фош ўлуб ондин зарари бегарон.⁷

Ёки:

...ва самин жавҳарларнинг бир-бирига **иқтирони** дилпазир кўрунуридин назм таркибин наср тартибига таржиҳ қилмоқ.⁹

Бундан ташқари, **иқтирон** сўзи Алишер Навоий асарларида айнан икки сайёранинг бир-бирига тўқнашишига ишора тарзида ҳам қўлланилган:

Қарн ила даврон топибон **иқтирон**,
То бўлубон бир киши соҳибқирон.¹⁰

Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» асарида **гириҳнок** сўзи икки маротаба қўлланилиб, бир ўринда тугунли маъносини ифодалаган:

Сарриштаи диққати **гириҳнок**,
Ҳар бир гириҳида юз дури пок.¹¹

Шунингдек, бу форсча сўз яна бошқа бир ўринда қийин, мушкул, чигил маъноларида ҳам келган:

Ҳар лаҳза ишимни чархи бебоқ,
Ул ришта била этиб **гириҳнок**.¹²

Дарҳақиқат, бу форсча сўзнинг **гиреҳ** шакли ҳам форсий мумтоз асарлар тилида кўп маъноли сўз сифатида қайд этилган.

Хулоса шуки, шоир асарлари тилидан янги аниқланган икки маъноли сўзларни таҳлил қилиш нафақат ўзбек тилшунослиги, балки навоийшунослик олдида турган долзарб муаммолардан биридир. Қолаверса, бундай сўзларнинг маъноларини очиш лексикология тарихи, унинг XV аср иккинчи ярмидаги ҳолатини ўрганишда муҳим аҳамият касб этиши мумкин.

Манзар АБДУЛХАЙРОВ,
Филология фанлари номзоди.

1. А.Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. IV жилдлик. Т., 1983–1985.
2. А.Навоий. Ҳайрат ул-аброр // МАТ. Т., 1991, 331-6.
3. А.Навоий. Насойим ул-муҳаббат // МАТ. X жилд. Т., 2001, 251-6.
4. А.Навоий. Наводир уш-шабоб // МАТ. IV жилд. Т., 1989, 49-6.
5. А. Навоий. Сабъаи сайёр // МАТ. X жилд. Т., 1992, 62-6.
6. А. Навоий. Бадоеъ ул-васат. // МАТ. V жилд. Т., 1991, 11-6.
7. А.Навоий. Сабъаи сайёр. //МАТ. X жилд. Т., 1992, 62-6.
8. А.Навоий. Ҳайрат ул-аброр. // МАТ. Т., 1991, 2-12-6.
9. Ўша асар. 57-6.
10. Ўша асар. 216-6.
11. А.Навоий. Лайли ва Мажнун // МАТ. Т., 1992, 31-6.
12. Ўша асар. 15-6.

Бобур поэзиясида фразеологизмлар

Ўзбек мумтоз адабиётининг равнақиға насрий ва назмий асарлари билан катта ҳисса кўшган Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзидан бой адабий ва илмий мерос қолдирган. Бобур ижодида, жумладан, унинг шеъриятида ҳаёт ва турмушнинг аччиқ-чучугини тотиб, ёр, юрт соғинчи билан яшаган лирик қаҳрамоннинг кечинмалари юксак бадиийлик, чуқур ҳаётийлик билан акс эттирилган. Шоирнинг адабий меросини ўрганиш нафақат адабиётшунослик, балки тилшунослик учун ҳам гоят муҳимдир. Бобур асарларининг морфологик, синтактик хусусиятлари юзасидан А.Н.Кононов, А.М.Шчербак, Ғ.Аб-